

Зарр ибн Ҳубайшнинг мактуби



08:05 / 04.04.2020 2398

Сувайд Калбийдан ривоят қилинади: «Зарр ибн Ҳубайш Абдулмалик ибн Марвонга ваъз-насихат тўла мактуб ёзди. Мактубнинг охирида қуйидаги сўзлар бор эди: «Эй мўминларнинг амири! Бақувват, соғлом ва кучли бўлишинг ҳаётнинг узунлигига қизиқтириб қўймасин. Сен ўзингни яхшироқ биласан. Аввалгилар айтган сўзларни келтираман:

Эркакларнинг болалари туғилса,

Қариликдан қаддилари эгилса,

Касалликлар ҳам одатга айланса,

Демак, бу пишай деб қолган мева!»

Абдулмалик мактубни ўқиб, йиғлади, ҳатто кийимининг учлари ҳўл бўлиб кетди. Сўнгра: «Зарр тўғри айтибди. Янаям кўпроқ нарса ёзса, бундан ҳам яхши бўлар эди», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан